

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан norma.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



ЧЕТ ТИЛИНИ ЎҚИТИШГА ЛИЦЕНЗИЯЛАРНИ ҲОКИМЛИКЛАР ҲУЗУРИДАГИ КОМИССИЯЛАР БЕРАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 14.06.2013 йилдаги 169-сон қарори билан («СБХ»нинг 2.07.2013 йилдаги 26 (986)-сонидан чоп этилди) чет тилларни ўрганиш имконини янада кенгайтиришни таъминлаш мақсадида нодавлат таълим муассасаларининг чет тилларни ўқитиш фаолиятидаги лицензиялаш тартиби ўзгартирилди.



Қарор билан нодавлат таълим муассасаларининг (НТМ) чет тилларни ўрганиш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш соҳасидаги фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги, нодавлат таълим муассасаларининг чет тилларни ўрганиш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш соҳасидаги фаолиятини лицензиялаш бўйича ҳудудий комиссия тўғрисидаги низомлар, шунингдек унинг намунавий таркиби тасдиқланди.

НТМнинг фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ эндиликда лицензия талабгори чет тилларни ўрганиш бўйича ўқув курсларини ташкил этишга лицензияларни олиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ёки Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги ҳудудий комиссияларга мурожаат қилишлари керак бўлади.

Шуни эслатиб ўтамизки, илгари НТМга барча ўқитиш турларига лицензияларни Вазирлар Маҳкамасининг комиссияси ишчи органи функциясини бажарувчи Давлат тест марказининг Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрларни ва таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш бошқармаси берар эди.

Чет тилларни ўрганиш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига намунавий (оддий) лицензия 5 йил муддатга берилади, унинг муддати тугагандан кейин белгиланган тартибда узайтирилиши мумкин.

Бундай лицензияни олиш учун муайян ҳужжатлар пакетини йиғиш ва бир қатор шартларни бажариш зарур.

Аввало лицензия талабгори унга мулкӣ (олдидан сотди шартномаси, гувоҳнома ёки бино, иншоот аукционда харид қилинганлиги тўғрисида бошқа ҳужжат) ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ, масалан, ижара ҳуқуқи билан тегишли бўлган бинолар (хоналар)га эга бўлиши зарур.

1 АВГУСТДАН СУВДАН МАХСУС ФОЙДАЛАНИШ УЧУН РУХСАТНОМА ОЛИШ ЗАРУР

Сув ресурсларидан янада оқилона фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 14.06.2013 йилдаги 171-сон қарори билан Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Низом сувдан махсус фойдаланувчи, яъни сувнинг ҳолатига ва сув объектларига таъсир кўрсатувчи махсус иншоотлар ва қурилмаларни қўллаган ёки (алоҳида ҳолларда) уларни қўлламаган ҳолда сувни истеъмол қилувчи жисмоний ва юридик шахсларга татбиқ этилади. Махсус иншоотлар ва қурилмаларга насос агрегатлари ва ёрдамчи иншоотлар, суғориш қудуқлари ва вертикал дренаж қудуқлари, ичимлик ва техник мақсадларга мўлжалланган қудуқлар ёхуд сувни тозалаш ва тайёрлаш станциялари ва бошқалар киради.

Қабул қилинган ҳужжатга кўра 2013 йил 1 августдан кўрсатилган шахслар сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатномалар олишлари керак. Мазкур рухсатнома бериладиган сувдан фойдаланувчилар тоифалари орасида саноат, коммунал, транспорт ва бошқа ноқишлоқ хўжалиги мақсадлари учун сув объектларидан фойдаланадиган жисмоний ва юридик шахслар, фермер ва деҳқон хўжаликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан хизмат кўрсатиладиган бошқа сув истеъмолчилари бор.

Шуни таъкидлаш лозимки, тадбиркорлик субъектлари, шунингдек сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан хизмат кўрсатиладиган сув истеъмолчилари сувдан махсус фойдаланиш ёки сув истеъмоли учун рухсатнома олиш учун аризани сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилишга рухсатнома лойиҳасини рухсатнома бериш органига келишувсиз тақдим этадилар.

Рухсатнома сувдан фойдаланувчи ёки сув истеъмолчисининг ёзма аризаси олинган кундан бошлаб 20 иш куни мобайнида расмийлаштирилади. Ишлаётган, лойиҳалаштирилаётган ёки реконструкция қилинаётган объектларда амалга ошириш мўлжалланаётган сувдан махсус фойдаланиш ёки махсус сув истеъмолининг барча турларига битта рухсатнома расмийлаштирилади.

Ер усти сувларидан ва ер ости сувларининг тасдиқланган эксплуатация захираларидан фойдаланилганда рухсатнома 5 йил муддатга;

ер ости сувларининг тасдиқланмаган эксплуатация захираларидан фойдаланилганда рухсатнома 3 йил муддатга берилади.

ДАВСТАТҚЎМ ФЕРМЕРЛАР УЧУН ЯНГИ ҲИСОБОТНИ ТАСДИҚЛАДИ

Давлат статистика қўмитасининг қарори (АВ томонидан 18.06.2013 йилда 2403-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан 2013 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари Фермер хўжаликлари фаолияти тўғрисида ҳисобот шакли билан тўлдирилди.

Фермер хўжалигининг иқтисодий ҳолати

тўғрисида ҳисобот фермер хўжалиги жойлашган жойдаги статистика бўлимига йилда бир марта (1 декабрь ҳолатига кўра) 10 декабрдан кечиктирмай топширилади.

Ҳисобот 5 бўлимдан иборат:

«Фермер хўжалигидаги ишловчилар сони»;

«Фермер хўжалигидаги умумий иқтисодий вазият»;

«Молиявий ҳолат»;

«Хўжаликнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар»;



«Қўшимча фаолият турларидан тушган тушумнинг барча фаолиятдан тушган тушумга нисбатан улуши, фоизда».

СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИДА НАЗОРАТ ХАРИДИ ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

Давлат солиқ қўмитасининг буйруғи (АВ томонидан 28.06.2013 йилда 2475-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ўтказиладиган солиқ текширувларида назорат харидини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди (шу соннинг ҳужжатлар пакетида чоп этилмоқда).

Низомда белгиланишича, назорат хариди чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳисобкитобларга, шу жумладан нақд чет эл валютасидаги ҳисобкитобларга доир ҳуқуқбузарликларни солиқ текширувлари давомида аниқлаш учун ўтказилади.

Ўтказилган назорат хариди натижаси бўйича Низомнинг иловасига мувофиқ шаклда Назорат харидини ўтказиш баённомаси уч нусхада расмийлаштирилади.

Давлат солиқ хизмати органи ходими томонидан назорат харидини ўтказишда ва унинг натижаларини расмийлаштиришда текширув натижасидан манфаатдор бўлмаган вояга етган жисмоний шахслар ҳолислар сифатида жалб этилади.

Назорат харидини ўтказиш баённомаси Солиқ кодексида назарда тутилган талабларга риоя этилган ҳолда тузилган солиқ текшируви натижалари бўйича тузилган далолатномага илова қилинади.

Низом расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

Тақдим этилган ҳужжатларга қисқача шарҳларни эксперт-юристларимиз Елена ЕРМОХИНА ва Сардор ЖУМАШОВ тайёрладилар.

ҚОПЛАБ БЕРИЛГАН ХАРАЖАТЛАР – ДАРОМАД ЭМАС

Бизнинг корхонамиз «Ўзтрансгаз» АК-нинг унитар корхонаси ҳисобланади. Асосий фаолиятимиз газ таъминоти бўлиб, ХХТУТ бўйича 90214 коди берилган. Корхонамиз ўз иш фаолиятини «Ўзтрансгаз» АК билан тузилган топшириқ шартномасига асосан юритади. Ушбу шартномага кўра, «Ўзтрансгаз» АК номидан унинг газ тақсимлаш тармоқларидан фойдаланиб, истеъмолчиларга табиий газни етказиб бериш ишларини амалга оширамиз.

Газни истеъмолчиларга тўхтовсиз ва ишончли тарзда етказиб бериш, унинг мақсадли ишлатилишини таъминлаш, етказиб берилган газ учун тўловларни йиғиб олиш, газ хўжалигининг авариясиз ишлашини таъминлаш ишлари ҳам корхонамиз томонидан амалга оширилади. Табиий газни реализация қилиш билан боғлиқ барча харажатларимиз тасдиқланган харажатлар сметасига кўра «Ўзтрансгаз» АК томонидан тўлиқ қоплаб берилади. Хизматларимиз учун бошқа мукофот пули олмаймиз.

1. Бизнинг унитар корхона алоҳида юридик шахс ҳисобланади, хизматларимиз учун мукофот пули олмаслигимиз қонунчиликка тўғри келадими?

2. Хизматларимиз учун мукофот пули олмасак-да, бизга қоплаб берилган харажатлар суммаси даромадимиз сифатида қаралиб, бу суммадан солиқ ва мажбурий тўловлар тўланадими?

3. «Ўзтрансгаз» АК томонидан 2010 йилда ишлаб чиқилган «Ўзтрансгаз» АК-нинг ҳудудлараро газ таъминлаш шўба корхоналари томонидан газ тақсимлаш тармоқларидан фойдаланиш ва табиий газни реализация қилиш билан боғлиқ харажатларини қоплаш ҳамда мукофот миқдорини аниқлаш тўғрисидаги низом Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилиши шартми?

4. Топшириқ шартномасида белгиланган топшириқларни амалга оширишда тўланган ҚҚСни ҳисобга олиш ким томонидан, қандай тартибда амалга оширилади?

«Ғарбгазтаъминот» УК
бош бухгалтери.

– 1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 8.08.2006 йилдаги ПҚ-438-сон қарори 1-бандига асосан ҳудудлараро газ таъминоти корхоналарига «Ўзтрансгаз» АК шартнома топшириғи асосида газ тақсимлаш тармоқларини ишлатиш ва табиий газни сотиш бўйича ваколатлар берилган.

Фуқаролик кодексининг (ФК) 818-моддасида агар қонун ҳужжатларида ёки топшириқ шартномасида назарда тутилган бўлса, топшириқ берувчи ишончли вакилга ҳақ тўлаши шартлиги белгиланган. Шунга асосан, агар топшириқ шартномасида назарда тутилган бўлса, комитент топшириқни бажарувчига мукофот беришга мажбур, лекин, агар томонлар ўртасида тузилган шартномада мукофот берилиши кўзда тутилмаган бўлса, бунинг натижасида комитентда қонунчиликка мувофиқ коммиссионерга, яъни топшириқни бажарувчига мукофот бериш мажбурияти юзага келмайди. Аммо бунда топшириқ берувчи (айни вазиятда «Ўзтрансгаз» АК) ФКнинг 821-моддасига асосан:

– вакилни топшириқни бажариш учун зарур маблағлар билан таъминлаши;

– вакил шартномага мувофиқ бажарган ишни кечиктирмасдан қабул қилиб олиши;

– вакил топшириқни бажариш учун қилган зарур харажатларни тўлаши шарт.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида низомга (ВМнинг 5.02.1999 йилдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган) асосан корхона-ангизнинг топшириқни бажариш учун амалга оширган сотиш харажатлари ҳам топшириқ берувчи («Ўзтрансгаз» АК) томонидан қоплаб берилиши зарур.

Бунинг учун корхона-ангиз:

– ўзига берилган топшириқни шахсан ўзи бажариши;

– топшириқ берувчи талабига мувофиқ унга топшириқ қандай бажарилаётганлиги ҳақида маълумот бериб туриши;

– топшириқни бажариш учун тузилган битимлар бўйича олинган ҳамма нарсани кечиктирмасдан топшириқ берувчига топшириши;

– топшириқ бажариб бўлинганидан кейин амал қилиш муддати тамом бўлмаган ишончномани кечиктирмасдан топшириқ берувчига қайтариб бериши ва, агар шартнома шартларига ёки топшириқнинг хусусиятига кўра зарур бўлса, ҳисобот тақдим этиб, унга исботловчи ҳужжатларни илова қилиши шарт (ФКнинг 820-моддаси).

2. Воситачига ёки ишончли вакилга воситачилик, топшириқ шартномаси бўйича мажбуриятларни бажариш муносабати билан, шунингдек топшириқ берувчи учун воситачи ёки ишончли вакил томонидан қилинган харажатларни қоплаш ҳисобига келиб тушган мол-мулк (ҳақ тўлови бундан мустасно) солиқ тўловчининг даромади сифатида қаралмайди (Солиқ кодексининг 129-моддаси).

2-сон БҲМСга (АВ томонидан 26.08.1998 йилда 483-сон билан рўйхатдан ўтказилган) кўра, хўжалик юритувчи субъектнинг счётига олинган ялпи тушумлар ёки олинган мумкин бўлган тушумлар асосий хўжалик фаолиятдан олинган даромад ҳисобланади. Лекин бунда воситачилик фаолиятида ялпи тушумлар асосий хўжалик фаолиятдан олинган даромад ҳисобланмаслиги аниқ кўрсатиб ўтилган. Бундай ҳолларда, яъни воситачилик фаолияти натижасида олинган воситачилик ҳақи даромад ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, солиқ солиш мақсадида бевосита воситачилик ҳақи солиқ солинадиган даромад сифатида қаралади.

3. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларининг (АВ томонидан 14.02.2009 йилда 1905-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 69-бандига асосан ўрнатилган тартибда ваколатли давлат органлари томонидан рўйхатга олинган стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар ҳамда стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларга тааллуқли бўлмаган техник қоидалар ва нормалар, жумладан тавсия хусусиятига эга ҳужжатлар давлат рўйхатидан ўтказилмайди.

4. 2-сон БҲМСга кўра учинчи шахслар номидан ундириб олинган, хўжалик юритувчи субъектга тушадиган ва ўз сармояси кўпайишига олиб келмайдиган билвосита солиқлар миқдори асосий хўжалик фаолияти дамадига киритилмайди.

Шунингдек, Ҳисобварақ-фактураларни ҳисобга олиш ва расмийлаштириш тартибининг (МВ, ДСҚнинг АВ томонидан 22.03.2013 йилда 2439-сон билан рўйхатдан ўтказилган Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисидаги қарорига 3-илова) 26-бандига асосан воситачи комитентга тегишли бўлган товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилиш операциялари бўйича унга ҳисобот тақдим этади. Ҳисоботга кўрсатиб ўтилган харажатларнинг юзага келганлиги ва тўланганлигини тасдиқловчи бирламчи ҳужжатлар илова қилинган бўлиши лозим. Воситачи томонидан комитент учун қилинган харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлари мавжуд бўлса, комитент ушбу суммаларни ўз харажатлари таркибига киритишга ва ҚҚСни ҳисоблаб чиқариш пайтида тегишли ҚҚС суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга.

Жавобни экспертизани
Мурод МУҲАММАДЖОНОВ
тайёрлади.

МДҲ ВА БОЛТИҚБУИИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	1.07.2013	1	0,7845	1	1,0217	1	0,0239
Арманистон	28.06.2013	1	409,90	1	535,25	1	12,53
Беларусь	2.07.2013	1	8790,00	1	11460,00	1	267,50
Грузия	1.07.2013	1	1,6509	1	2,1566	100	5,0472
Қозғистон	2.07.2013	1	151,65	1	197,90	1	4,63
Қирғизистон	2.07.2013	1	48,6210	1	63,4261	1	1,4800
Латвия	2.07.2013	1	0,539000	1	0,702804	1	0,016400
Литва	2.07.2013	1	2,6518	1	3,4528	1	0,080675
Молдова	1.07.2013	1	12,5413	1	16,3883	1	0,3831
Россия	2.07.2013	1	32,8517	1	42,8025	—	—
Тожикистон	1.07.2013	1	4,7655	1	6,1824	1	0,1500
Украина	1.07.2013	100	799,3000	100	1041,6478	10	2,4312
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246

Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 2 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	1925,35	1 Польша злотийси	631,84
1 Англия фунт стерлинги	3189,98	1 СДР	3152,59
1 Дания кронаси	366,15	1 Туркия лираси	1087,91
1 БАА дирҳами	570,73	1 Швейцария франки	2219,83
1 АҚШ доллари	2096,19	1 ЕВРО	2741,69
1 Миср фунти	298,63	10 Жанубий Корея вони	18,49
1 Исландия кронаси	16,95	10 Япония иенаси	211,01
1 Канада доллари	1995,99	1 Россия рубли	64,09
1 Хитой юани	341,98	1 Украина гривнаси	262,25
1 Малайзия ринггити	664,30		

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган

УШБУ
СОНДА:

- ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
- Янги ҳужжатларни тақдим этамиз **1-бет**
- БИЗНИНГ МАСЛАҲАТЛАР
- Қоплаб берилган харажатлар – даромад эмас **2-бет**
- Валюталар курси
- ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
- Идора-и-меъёрий ҳужжатлар:
- ЎЗР МББнинг «Микрокредит ташкилотларида аудит текширувларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори;

- ЎЗР МАИМКВ, ИВ, Давлат статистика қўмитасининг «Ташкил этилган иш ўринларини ҳисобга олиш ва мониторингини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;
- ЎЗР ДБҚнинг «Товарлар Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига амалда олиб келиниши пайтигача божхона органларига дастлабки божхона декларациясини тақдим этиш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори;
- ЎЗР ДСҚнинг «Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ўтказиладиган солиқ текширувларида назорат харидини амалга

ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2013 йил 15 июндан 28 июнгача бўлган маълумот.

• ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

– Халқаро тижорат арбитражи ҳам қаторда бўлса

- КРИМИНАЛИСТ ЭКСПЕРТ ЁН ДАФТАРИДАН
- Экспертизанинг кўрсатишича...

7-бет

8-бет

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

• ИДОРАВИЙ-МЕЎЕРИЙ ҲУЖЖАТЛАР:

- ЎзР МББнинг «Микрокредит ташкилотларида аудит текширувларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори;
- ЎзР МАИМКВ, ИВ, Давлат статистика қўмитасининг «Ташкил этилган иш ўринларини ҳисобга олиш ва мониторингини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;
- ЎзР ДБҚнинг «Товарлар Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига амалда олиб келиниши пайтигача божхона органларига дастлабки божхона декларациясини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори;
- ЎзР ДСҚнинг «Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ўтказиладиган солиқ текширувларида назорат харидини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

• **МЕЎЕРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2013 ЙИЛ 15 ИЮНДАН 28 ИЮНГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИДА АУДИТ ТЕКШИРУВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 24 июнда рўйхатдан ўтказилган. Рўйхат рақами 2379-1
(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2013 йил 1 июлдаги 26 (578)-сон, 340-модда)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда), «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 37-38-сон, 372-модда), «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 149-модда) ва «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 18-сон, 233-модда) қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқару-

вининг 2012 йил 23 июндаги 19/4-сонли қарори (рўйхат рақами 2379, 2012 йил 17 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 341-модда) билан тасдиқланган Микрокредит ташкилотларида аудит текширувларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси
Ф.МУЛЛАЖОНОВ.**

Тошкент ш.,
2013 йил 8 июнь
12/8-сон.

*ЎзР МББнинг 2013 йил 8 июндаги 12/8-сонли қарорига
ИЛОВА*

МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИДА АУДИТ ТЕКШИРУВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

1. 1-банднинг учинчи хатбошиси «тўғрилиги ва» деган сўзлардан кейин «бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. 14-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

«14. Микрокредит ташкилоти аудиторлик хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ аудиторлик ташкилоти хизматлари ҳақини ўз вақтида тўлаши шарт.».

3. 17-бандда:

олтинчи хатбошидаги «талаб қилиши шарт.» деган сўзлар

«талаб қилиши;» деган сўзлар билан алмаштирилсин; куйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«аудиторлар ишининг сифати назорат қилинишини таъминлаши шарт.»;

еттинчи хатбоши саккизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

4. 26-банд «аудитор (аудиторлар)» деган сўзлардан кейин «ва аудиторлик ташкилотининг раҳбари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ, ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ, ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ ҚАРОРИ

ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИШ ЎРИНЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ВА МОНИТОРИНГИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 27 июнда рўйхатдан ўтказилган. Рўйхат рақами 2473
(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2013 йил 1 июлдаги 26 (578)-сон, 344-модда)

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 97-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва

аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси қарор қилади:

1. Ташкил этилган иш ўринларини ҳисобга олиш ва

мониторингини юритиш тартиби тўғрисидаги низом илова-
га мувофиқ тасдиқлансин.

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири**
А.ХАЙТОВ.
28-қ-сон

Иқтисодиёт вазири
Г.САИДОВА.
31-сон

**Давлат статистика
қўмитаси раиси**
Б.ТЎРАЕВ.
4қ-2013-сон

Тошкент ш., 2013 йил 6 май.

ЎЗР МАИМКВ, ИВ ва Давлат статистика қўмитасининг 2013 йил 6 майдаги 28-қ, 31, 4қ-2013-сон қарорига
ИЛОВА

ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИШ ЎРИНЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ВА МОНИТОРИНГИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

Мазкур Низом «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғриси-
да»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига (Ўзбекистон
Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й.,
5-6-сон, 97-модда) мувофиқ ташкил этилган иш ўринлари-
ни ҳисобга олиш ва мониторингини юритиш тартибини
белгилайди.

I БОБ. УМУМий ҚОИДАЛАР

1. Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъ-
минлаш дастурининг (бундан буён матнда Дастур деб юри-
тилади) ижросини таъминлаш мақсадида Дастурнинг пара-
метрларини сўзсиз бажариш юзасидан мувофиқлаштирил-
ган ишларни ташкил этиш бўйича доимий ишловчи туман
(шаҳар) ишчи комиссиялари (бундан буён матнда ишчи
комиссия деб юритилади) томонидан ташкил этилган иш
ўринлари бўйича мониторинг юритилади ҳамда маълумот-
лар шакллантирилади, таҳлил қилинади ва умумлаштири-
лади.

2. Иш ўринлари қуйидаги йўналишларда ташкил эти-
лади:

янги йирик ишлаб чиқариш объекtlарини ишга туши-
риш, ишлаб турган ташкилотларни модернизация қилиш ва
кенгайтириш;

саноат, қурилиш, хизмат кўрсатиш, сервис соҳасида ва
бошқа тармоқларда кичик корхона, микрофирмаларни таш-
кил қилиш ва ривожлантириш (оилавий корхоналар билан
бирга);

якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш;

меҳнат шартномалари асосида ташкилотлар билан касана-
чиликни ташкил этиш, пудрат шартномалари асосида уйда
иш бажариш, хунармандчиликни ва оилавий тадбиркорлик-
ни ривожлантириш;

фермер ва деҳқон хўжалиқларини ривожлантириш ва
кенгайтириш (чорвачилик, паррандачилик, боғдорчилик,
балиқчилик, сабзавотчилик, асаларичилик ва бошқа қишлоқ
хўжалиғи маҳсулотлари етиштиришни ривожлантириш);

ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини
ривожлантириш;

иқтисодий ночор ва ишламаётган ташкилотлар фаолияти-
ни тиклаш ва кенгайтириш.

II БОБ. ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИШ ЎРИНЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

3. Ташкил этилган иш ўринлари Дастурга мувофиқ қу-
йидагилар асосида ҳисобга олинади:

Дастурда назарда тутилган ташкилотлар томонидан тақ-
дим этиладиган маълумотлар;

ташкилотлар томонидан белгиланган тартибда статистика
органларига тақдим этилган давлат статистика ҳисоботлари;

туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан тақдим этилган
янги ташкил қилинган фермер ва деҳқон хўжалиқлари

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътибо-
ран кучга киради.

тўғрисидаги маълумотлар;

Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза
қилиш марказларида рўйхатга олинган шахсий ёрдамчи
хўжаликларда йирик шохли қорамол боқиш билан шуғулла-
нувчилар тўғрисидаги маълумотлар;

Дастурда назарда тутилган ташкилотлар томонидан тақ-
дим этилган пудрат шартномаси асосида ташкил этилган
иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар;

маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан тақдим этилган
хунармандчилик шаклида хўжалик фаолияти билан шуғул-
ланаётган фуқаролар тўғрисидаги маълумотлар.

4. Дастурда назарда тутилган ташкилотлар янгидан таш-
кил этилган иш ўринлари тўғрисидаги маълумотларни маз-
кур Низомнинг 1-иловасида* келтирилган шаклга мувофиқ
ишчи комиссияга тақдим этадилар.

Фермер хўжалиқлари янгидан ташкил этилган иш ўрин-
лари тўғрисидаги маълумотларни мазкур Низомнинг 2-ило-
васида* келтирилган шаклга мувофиқ ишчи комиссияга тақ-
дим этадилар.

5. Туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик
субъекtlарини рўйхатга олиш инспекцияларида (бундан
буён матнда инспекция деб юритилади) давлат рўйхатига
олинган якка тартибдаги тадбиркорлар тўғрисидаги маълу-
мотлар мазкур Низомнинг 3-иловасида* келтирилган шак-
лга мувофиқ ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойднинг 1-
санасига қадар инспекция томонидан ишчи комиссияга тақ-
дим этилади.

6. Деҳқон хўжалиқларида янгидан ташкил этилган иш
ўринлари тўғрисидаги маълумотлар мазкур Низомнинг 4-
иловасида* келтирилган шаклга мувофиқ туман (шаҳар)
ҳокимликлари томонидан ишчи комиссияга тақдим этилади.

7. Шахсий ёрдамчи хўжаликларда йирик шохли қорамол
боқиш билан шуғулланувчилар ҳисобига ташкил этилган
янги иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар мазкур Ни-
зомнинг 5-иловасида* келтирилган шаклга мувофиқ Банд-
ликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш
марказлари томонидан ишчи комиссияга тақдим этилади.

8. Пудрат шартномаси асосида ташкил этилган иш ўринла-
ри тўғрисидаги маълумотлар мазкур Низомнинг 6-иловасида*
келтирилган шаклга мувофиқ Дастурда назарда тутилган таш-
килотлар томонидан ишчи комиссияга тақдим этилади.

9. Оилавий тадбиркорлик ва хунармандчилик шаклида
хўжалик фаолияти билан шуғулланаётган фуқаролар тўғри-
сидаги маълумотлар мазкур Низомнинг 7-иловасида* келти-
рилган шаклга мувофиқ инспекция томонидан ишчи ко-
миссияга тақдим этилади.

III БОБ. ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИШ ЎРИНЛАРИНИ УМУМЛАШТИРИШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

10. Мазкур Низомнинг 2-бандида кўрсатилган йўналиш-
лар кесимида ишчи комиссиянинг котиби томонидан маз-

*Низомга 1-8-иловалар берилмайди. Хужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТда ва www.norma.uz сайтида танишиш мумкин.

кур Низомнинг 8-иловасида* келтирилган шаклга мувофиқ ташкил этилган иш ўринлари тўғрисидаги тезкор маълумотлар умумлаштирилади ва таҳлил қилинади.

11. Умумлаштирилган маълумотлар ишчи комиссиянинг раисига кўриб чиқиш учун ҳисобот ойдан кейинги ойнинг биринчи санасида тақдим этилади.

Ушбу маълумотлар ишчи комиссиясининг раиси томонидан тасдиқлангандан сўнг ишчи комиссияси котиби томонидан вилоят ишчи комиссиясига ҳисобот ойдан кейинги ойнинг иккинчи санасига қадар тақдим этилади.

Вилоят ишчи комиссияси томонидан тасдиқланган маълумотлар ҳисобот ойдан кейинги ойнинг учинчи санасидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вилоят ишчи комиссиялари ҳамда тармоқлардан олинган маълумотларни умумлаштириб таҳлил қилгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳамда Иқтисодиёт вазирлигига ҳисобот ойдан кейинги ойнинг еттинчи санасига қадар тақдим этади.

12. Ташкил этилган иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар туман (шаҳар) статистика бўлимлари томонидан таққослангандан сўнг таққослаш натижалари ишчи комиссиясига қайтариб берилади.

IV БОБ. ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИШ ЎРИНЛАРИНИНГ МОНИТОРИНГИНИ ЮРИТИШ

13. Дастурнинг ижросини таъминлаш мақсадида мониторинг ташкил этилади ҳамда туманлар (шаҳарлар), тармоқлар ва Дастурда назарда тутилган ташкилотларда иш ўринлари яратилганлиги бажарилиши бўйича мониторинг қилиш ҳар ойда қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва уларнинг ҳудудий органлари томонидан — ҳудудий ва тармоқ дастурларида кўзда тутилган параметрларнинг бажарилиши қисми бўйича;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан — иш ўринлари яратишнинг ҳудудий дастурлари бажарилиши қисми бўйича;

хўжалик бошқаруви органлари томонидан — уларнинг таркибига кирувчи ташкилотлар бўйича иш ўринлари яратишнинг тармоқ дастурлари бажарилиши қисми бўйича;

давлат статистика органлари томонидан — иш жойларининг статистик ҳисобини юритиш бўйича.

14. Мониторинг маълумотларни йиғиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан ишчи комиссияларнинг иш ўринлари яратилганлиги ҳақидаги маълумотлари умумлаштирилгандан сўнг муайян ҳудуд ва тармоқ бўйича Дастур ижроси ҳақида ахборот тайёрланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан статистик ҳисоботлар асосида тўпланган маълумотлар (ташкил этилган, фаолият кўрсатаётган ва йўқотилган иш жойлари ҳақидаги маълумотлар) умумлаштирилади.

15. Мониторинг яқунлари бўйича Дастурнинг прогноз параметрларидан орқада қолаётган туман (шаҳар)лар ва Дастурда назарда тутилган ташкилотлар аниқланган тақдирда, хўжалик бошқарув органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан зарур чора-тадбирлар белгиланиши лозим.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING ҚАРОРИ

ТОВАРЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЖХОНА ҲУДУДИГА АМАЛДА ОЛИБ КЕЛИНИШИ ПАЙТИГАЧА БОЖХОНА ОРГАНЛАРИГА ДАСТЛАБКИ БОЖХОНА ДЕКЛАРАЦИЯСИНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 27 июнда рўйхатдан ўтказилган. Рўйхат рақами 2418-1 («Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2013 йил 1 июлдаги 26 (578)-сон, 347-модда)

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 2-сон, 36-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 28 январдаги 01-02/12-9-сон қарори (рўйхат рақами 2418, 2013 йил 30 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 5-сон, 63-модда) билан тасдиқланган Товарлар Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига амалда олиб келиниши пайтигача божхо-

на органларига дастлабки божхона декларациясини тақдим этиш тартиби тўғрисида низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Давлат божхона қўмитаси раиси
З.ДУСАНОВ.

Тошкент ш.,
2013 йил 22 июнь
01-02/12-11-сон.

ЎЗР ДБКнинг 2013 йил 22 июндаги 01-02/12-11-сонли қарорига
ИЛОВА

ТОВАРЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЖХОНА ҲУДУДИГА АМАЛДА ОЛИБ КЕЛИНИШИ ПАЙТИГАЧА БОЖХОНА ОРГАНЛАРИГА ДАСТЛАБКИ БОЖХОНА ДЕКЛАРАЦИЯСИНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

1. 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Дастлабки божхона декларацияси (кейинги ўринларда — ДБД деб юритилади) товарларни божхона ҳудудига етиб келгунига қадар декларациялаш бўлиб, у декларантнинг хоҳишига кўра қўлланилиши мумкин.»

2. 6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Агарда ДБДда кўрсатилган товарлар декларацияни қабул қилган божхона постига декларация қабул қилинган кундан эътиборан ўттиз календарь куни ичида тақдим этилмаса, у топширилмаган деб ҳисобланади. Бундай ҳолларда ДБД бекор қилинади.»

**ЧАКАНА САВДО ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН СОЛИҚ
ТЕКШИРУВЛАРИДА НАЗОРАТ ХАРИДИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 28 июнда рўйхатдан ўтказилган. Рўйхат рақами 2475
(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2013 йил 1 июлдаги 26 (578)-сон, 349-модда)*

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (I)-сон), «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 24 январдаги ПҚ-1910-сон «Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳисоб-китоблар механизмини янада тартибга солиш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 4-сон, 44-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги 306-сон «Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг қўлланишини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 47-сон, 488-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ўтказиладиган солиқ текширувларида назорат харидини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

*Давлат солиқ қўмитаси раиси
Б.ПАРПИЕВ.*

*Тошкент ш.,
2013 йил 27 май
2013-26-сон.*

*ЎзР ДСҚнинг 2013 йил 27 майдаги 2013-26-сонли қарорига
ИЛОВА*

**ЧАКАНА САВДО ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН
СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИДА НАЗОРАТ ХАРИДИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (I)-сон), «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 24 январдаги ПҚ-1910-сон «Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳисоб-китоблар механизмини янада тартибга солиш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 4-сон, 44-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги 306-сон «Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг қўлланишини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 47-сон, 488-модда) мувофиқ, чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ўтказиладиган солиқ текширувларида назорат харидини амалга ошириш тартибини белгилайди.

I БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Назорат хариди чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳисоб-китобларга, шу жумладан нақд чет эл валютасидаги ҳисоб-китобларга доир ҳуқуқбузарликларни солиқ текширувлари давомида аниқлаш учун ўтказилади.

2. Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳисоб-китобларда содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида давлат солиқ хизмати органларига келиб тушган маълумотлар уч кун ичида тегишли давлат солиқ хизмати органининг масъул ходимлари томонидан ўрганиб чиқилади.

**II БОБ. НАЗОРАТ ХАРИДИНИ ЎТКАЗИШ ВА
УНИНГ НАТИЖАЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ**

3. Давлат солиқ хизмати органининг масъул ходимлари ўрганиб чиқиш натижаларига мувофиқ, қисқа муддатли текшириш ўтказиш учун рухсат беришни сўраб Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши ёки унинг тегишли ҳудудий комиссияларига текшириш ўтказиш асосларини кўрсатган ҳолда буюртма беради.

4. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши ёки унинг тегишли ҳудудий комиссиялари томонидан қисқа муддатли текшириш ўтказишга рухсат берилган тақдирда, давлат солиқ хизмати органининг текшириш ўтказиш учун масъул ходимлари назорат харидини ўтказиш учун миллий валютадаги нақд пул маблағларини тегишли давлат солиқ хизмати органи кассасидан, чет эл валютасидаги нақд пул маблағларини эса, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ёки ҳудудий давлат солиқ бошқармалари кассасидан олади.

5. Миллий валютадаги нақд пул маблағларини беришда уларнинг қиймати, чет эл валютасидаги нақд пул маблағларини беришда эса, уларнинг қиймати, банкнотларнинг серияси ва рақамлари алоҳида варақда қайд этилиб, чиқим касса ордерига илова қилинади. Бунда пул маблағларининг қиймати, серияси ва рақамлари ёзилган варақча нусхаси тегишли давлат солиқ хизмати органининг масъул ходимларига берилади.

6. Назорат хариди ўтказилиб, тўлиқ ҳисоб-китоб қилингандан сўнг, давлат солиқ хизмати органининг масъул ходимлари томонидан ўз хизмат гувоҳномалари ва текширишларни ўтказишга рухсат берилганлиги тўғрисидаги махсус гувоҳнома кўрсатилган ҳолда қисқа муддатли текшириш эълон қилинади. Қисқа муддатли текшириш учун асос бўлган ҳужжатлар нусхалари текшириш тугаллангунга қадар текширилаётган тадбиркорлик субъекти (унинг вакили) ёки жисмоний шахсга тилхат олиб топширилади.

7. Ўтказилган назорат хариди натижаси бўйича уч нусхада мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ шаклда Назорат харидини ўтказиш баённомаси расмийлаштирилади.

8. Назорат харидини ўтказиш баённомаси назорат харидини амалга оширган шахслар ва тадбиркорлик субъекти (унинг вакили) ёки жисмоний шахс томонидан имзоланади. Тадбиркорлик субъекти (унинг вакили) ёки жисмоний шахс Назорат харидини ўтказиш баённомасига имзо чекишдан бош тортган ҳолларда баённомага бу ҳақда тегишли ёзув киритилиб, назорат харидини амалга оширган шахсларнинг имзоси билан тасдиқланади.

9. Текширилаётган тадбиркорлик субъекти (унинг ваки-

ли) ёки жисмоний шахс баённомани имзолашдан бош тортиш сабабларини Назорат харидини ўтказиш баённомасида кўрсатиш ҳуқуқига эга.

Назорат харидини ўтказиш баённомасининг бир нусхаси текширилаётган тадбиркорлик субъекти (унинг вакили) ёки жисмоний шахсга баённома нусхасини олганлигини тасдиқловчи имзо қўйдирган ҳолда берилади.

10. Текширилаётган тадбиркорлик субъекти (унинг вакили) ёки жисмоний шахс Назорат харидини ўтказиш баённомасини олишдан бош тортган тақдирда, тегишли давлат солиқ хизмати органининг масъул ходимлари томонидан бу ҳақда баённомага тегишли ёзув киритилиб, баённома нусхаси тадбиркорлик субъекти (унинг вакили) ёки жисмоний шахсга почта орқали буюртма хат билан юборилади ҳамда у жўнатилган кундан эътиборан уч кун ўтганидан сўнг топширилган ҳисобланади.

11. Давлат солиқ хизмати органи ходими томонидан назорат харидини ўтказишда ва унинг натижаларини расмийлаштиришда текширув натижасидан манфаатдор бўлмаган вояга етган жисмоний шахслар ҳолислар сифатида жалб этилади.

12. Назорат хариди ўтказилиб, ўзаро ҳисоб-китоблар якунлангач, назорат харидини ўтказишда фойдаланилган пул маблағлари текширилган тадбиркорлик субъекти (унинг вакили) ёки жисмоний шахс томонидан давлат солиқ хизмати органининг масъул ходимларига, харид қилинган товарлар, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишларнинг натижалари (назорат хариди предметлари) эса, давлат солиқ хизмати органининг масъул ходимлари томонидан тадбиркорлик субъекти (унинг вакили) ёки жисмоний шахсга қайтариб берилиши шарт, қайтариб бериш имкони бўлмаган ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ олиб қўйилиши лозим бўлган назорат хариди предметлари бундан мустасно. Бунда олиб қўйилган ҳуқуқбузарлик предметлари бўйича алоҳида баённома тузилади ҳамда мазкур баённома назорат харидини амалга оширган шахслар ва тадбиркорлик субъекти (унинг вакили) ёки жисмоний шахс томонидан имзоланади.

13. Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлигидан далолат берувчи ҳужжатлар ва ҳуқуқбузарлик предметлари солиқ текширувини ўтказиётган давлат солиқ хизмати органи масъул ходимларининг асослантирилган қарори асосида олиб қўйилиши мумкин. Солиқ тўловчининг фаолиятини тўхтатиб қўйишга олиб келадиган предметларни олиб қўйиш фақат суд қарори асосида амалга оширилади. Солиқ текширувига тааллуқли бўлмаган предметларни олиб қўйиш ман этилади.

14. Давлат солиқ хизмати органининг масъул ходимлари ҳужжатлар ва предметларни олиб қўйиш бошлангунига қадар олиб қўйиш амалга оширилаётган шахсга ҳужжатларни ва предметларни олиб қўйиш тўғрисидаги қарорни тақдим этади ҳамда иштирок этаётган шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради.

15. Давлат солиқ хизмати органининг масъул ходимлари ҳужжатлари ва предметлари олиб қўйилаётган шахсга уларни ихтиёрий равишда топширишни таклиф этади, у бош тортган тақдирда эса мажбуран олиб қўйиш чораларини кўради. Ҳужжатларни ва предметларни олиб қўйиш тадбиркорлик субъекти (унинг вакили) ёки жисмоний шахс иштирокида амалга оширилади.

16. Ҳужжатларни ва предметларни мажбуран олиб қўйиш ҳолислар ҳамда тадбиркорлик субъекти (унинг вакили) ёки жисмоний шахс иштирокида амалга оширилади. Бунда олиб қўйилаётган барча ҳужжатлар ва предметлар ҳолисларга ҳамда олиб қўйишда иштирок этаётган бошқа шахсларга кўрсатилади. Ҳужжатлар асл нусха ёки солиқ тўловчининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган кўчирма нусхалар кўринишида олиб қўйилади.

17. Солиқ тўловчи ҳужжатлари кўчирма нусхаларининг олиб қўйилиши солиқ назоратини амалга ошириш учун

етарли бўлмаган ҳолларда ҳамда давлат солиқ хизмати органларида ҳужжатларнинг асл нусхалари йўқ қилиниши, яширилиши, тузатилиши ёки алмаштирилишига етарли асослар бўлган ҳолларда давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси ҳужжатларнинг асл нусхасини олиб қўйишга ҳақли. Ҳужжатларнинг асл нусхалари олиб қўйилаётганда улардан кўчирма нусхалар тайёрланади, бу нусхалар давлат солиқ хизмати органининг масъул ходимлари томонидан имзоланади ва кимдан олиб қўйилган бўлса, ўша шахсга берилади. Ҳужжатларни олиб қўйиш билан бир вақтнинг ўзида улардан кўчирма нусха тайёрлаш ёки тайёрланган кўчирма нусхаларни бериш имконияти бўлмаган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи уларни ҳужжатлари олиб қўйилган шахсга олиб қўйилган кундан эътиборан беш кун ичида беради. Қолган ҳолларда солиқ тўловчининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари олиб қўйилади.

18. Ҳужжатлар ва предметларни олиб қўйиш Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 100-моддасида назарда тутилган талабларга риоя этилган ҳолда баённома билан расмийлаштирилади. Баённомада ёки унга илова қилинадиган рўйхатларда ҳужжатлар ва предметларнинг номи, миқдори ҳамда алоҳида белгилари, имкони бўлганда эса предметларнинг қиймати кўрсатилган ҳолда санаб ўтилиши ва тавсифланиши лозим.

Ҳужжатлар ва предметларни олиб қўйиш тўғрисидаги баённома икки нусхада тузилади, улардан бири ҳужжатлар ва предметларкимдан олиб қўйилган бўлса, ўша шахсга топширилиб, тилхат олинади. Баённомани қабул қилишдан бош тортилган тақдирда, давлат солиқ хизмати органининг масъул ходимлари бу ҳақда баённомага тегишли ёзув киритади. Бундай ҳолда баённоманинг бир нусхаси ҳужжатлари ва предметлари олиб қўйилган шахсга почта орқали буюртма хат билан юборилади ҳамда у жўнатилган кундан эътиборан уч кун ўтганидан сўнг топширилган ҳисобланади.

19. Солиқ текшируви натижалари Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 101-моддасида назарда тутилган талабларга риоя этилган ҳолда тузилган далолатнома билан расмийлаштирилади ва Назорат харидини ўтказиш баённомаси мазкур далолатномага илова қилинади. Солиқ текшируви натижасида аниқланган ҳуқуқбузарлик фактлари бўйича материаллар давлат солиқ хизмати органларининг тегишли бўлимларига ёки ушбу бўлимлар орқали ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига топширилади.

III БОБ. НАЗОРАТ ХАРИДИНИ ЎТКАЗИШДА ФОЙДАЛАНИШ УЧУН НАҚД ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ АЖРАТИШ

20. Назорат харидини ўтказишда фойдаланиш учун миллий валютадаги нақд пул маблағлари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратилади.

21. Давлат солиқ хизмати органи томонидан фазначилик бўлинмаларига (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги фазначилиги, ҳудудий фазначилик бошқармалари, шунингдек туман (шаҳар) фазначилик бўлинмалари) Давлат бюджетининг фазна ижроси қоидаларида (рўйхат рақами 2007, 2009 йил 16 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 38-сон, 422-модда) назарда тутилган тартибда тўлов ҳужжатларини илова қилган ҳолда миллий валютадаги нақд пул маблағларини олиш учун сўровнома тақдим этилади.

22. Нақд чет эл валюталари хизмат кўрсатувчи банклар томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ёки унинг тегишли ҳудудий бошқармаси буюртмасига асосан, уларнинг чет эл валютасидаги банк ҳисобварағида мав-

жуд бўлган чет эл валютасининг қолдиқ суммаси доирасида берилади.

23. Буюртмада кўрсатилган чет эл валютасидаги нақд пул маблағлари хизмат кўрсатувчи банк томонидан бир иш куни ичида тегишли давлат солиқ хизмати органининг моддий жавобгар шахсига берилади.

24. Солиқ текширувларини ўтказиш учун олинган миллий валютадаги нақд пул маблағлари тегишли давлат солиқ хизмати органи кассаларида, чет эл валютасидаги нақд пул маблағлари эса, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва ҳудудий давлат солиқ бошқармалари кассаларида Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидаларида (рўйхат рақами 565, 1998 йил 17 декабрь) белгиланган тартибда сақланади.

25. Давлат солиқ хизмати органининг масъул ходимлари

томонидан солиқ текшируви натижалари бўйича тегишли далолатнома расмийлаштирилиб, рўйхатга олингандан сўнг, назорат харидини ўтказишда фойдаланиш учун олинган нақд пул маблағлари бир иш куни ичида тегишли давлат солиқ хизмати органи кассасига тўлиқ топширилади. Пул маблағларининг қиймати, серияси ва рақамлари ёзилган варақча нусхаси кирим касса ордерига илова қилинади.

IV БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

26. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

27. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки ва Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

Молия вазири
Р.АЗИМОВ.

Марказий банк раиси
Ф.МУЛЛАЖОНОВ.

Савдо-саноат палатаси раиси
А.ШАЙХОВ.

Тошкент ш., 2013 йил 27 май.

Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ўтказиладиган
солиқ текширувларида назорат харидини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

Назорат харидини ўтказиш БАЁННОМАСИ

(баённома тузилган сана)

(баённома тузилган жой)

(давлат солиқ хизмати органининг номи)

(давлат солиқ хизмати органи масъул ходимларининг Ф.И.О. ва лавозими)

ҳамда ҳолислар

(ҳолисларнинг Ф.И.О. ва яшаш манзили)

иштирокида 20__ йил «__» _____ куни соат ____ да

(ҳудуд номи)

(тадбиркорлик субъектининг жойлашган ери)

(тадбиркорлик субъектининг номи ёки жисмоний шахснинг Ф.И.О., яшаш жойи, туғилган йили)

назорат харидини ўтказдик. Назорат харидини ўтказиш вақтида қуйидагилар

А Н И Қ Л А Н Д И:

(харидорнинг Ф.И.О.)

нинг

(тадбиркорлик субъектининг номи)

га

(жисмоний шахснинг Ф.И.О., яшаш жойи, туғилган йили)

муружаат қилиб,

(харид қилинган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) номи, миқдори ва қиймати)

харид қилган

ва тадбиркорлик субъекти (унинг вакили) ёки жисмоний шахсга

(миллий валютанинг қиймати ёки банкнотлар тури, қиймати ва сони)

жами

берган.

(пул маблағининг миқдори рақам ва сўз билан ёзилади)

Тадбиркорлик субъекти (унинг вакили) ёки жисмоний шахс харидорга у сўраган товарларни бериб (ишлар бажариб, хизматлар кўрсатиб) _____ қайтим қайтарган.

(қайтим миқдори, валюта тури, қайтим миқдори рақам ва сўз билан ёзилади)

Тадбиркорлик субъекти (унинг вакили) ёки жисмоний шахс товарлар (ишлар, хизматлар) харидор (мижоз) томонидан

тўланган ҳақни олиб,

(тадбиркорлик субъекти (унинг вакили) ёки жисмоний шахснинг хатти-ҳаракатлари)

Тўлиқ ҳисоб-китоб қилингандан сўнг текширув ўтказилиши ҳақида эълон қилинди. Текшириш вақтида қуйидагилар
А Н И Қ Л А Н Д И:

(аниқланган ҳолатлар тавсифи)

Назорат хариди ўтказилиб, ўзаро ҳисоб-китоблар яқунлангач, назорат харидини ўтказишда фойдаланилган пул маблаглари текширилган тадбиркорлик субъекти (унинг вакили) ёки жисмоний шахс томонидан давлат солиқ хизмати органининг масъул ходимига, харид қилинган товарлар, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишларнинг натижалари (назорат хариди предметлари) эса, давлат солиқ хизмати органининг масъул ходимлари томонидан тадбиркорлик субъекти (унинг вакили) ёки жисмоний шахсга қайтариб берилди.

Баённома билан танишдим ва ўтказилган назорат хариди ва баённома мазмуни бўйича қуйидагиларни билдираман:

(тадбиркорлик субъекти (унинг вакили) ёки жисмоний шахснинг фикр-мулоҳазалари)

Мазкур баённома учта бир хил нусхада тузилди ва унинг бир нусхаси тадбиркорлик субъекти (унинг вакили) ёки жисмоний шахсга берилди ҳамда назорат харидини ўтказишда иштирок этган барча шахсларга овоз чиқариб ўқиб эшиттирилди.

Баённомани тузган шахслар

(имзо)

(Ф.И.О., лавозими)

(имзо)

(Ф.И.О., лавозими)

Холислар:

(имзо)

(Ф.И.О., яшаш жойи, туғилган йили)

(имзо)

(Ф.И.О., яшаш жойи, туғилган йили)

Харидни амалга оширган шахс

(имзо)

(Ф.И.О., яшаш жойи, туғилган йили)

Тадбиркорлик субъекти (унинг вакили) ёки жисмоний шахс

(имзо)

(Ф.И.О., яшаш жойи, туғилган йили)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2013 ЙИЛ 15 ИЮНДАН 28 ИЮНГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

I. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ:

1. «Номоддий активларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2013 йил 13 июндаги 59-сонли буйруғи.

2013 йил 18 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1539-1.

2. «2013 йил учун давлат статистика ҳисоботи шаклларида қўшимча киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2013 йил 10 июндаги 2-мб-сонли қарори.

2013 йил 18 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2403-1.

3. «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамиятининг талаб қилиб олингунча махсус депозит ҳисобварақларидан операцияларни амалга ошириш ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2013 йил 13 июндаги 58, 12/7, 27-мх-сонли қарори.

2013 йил 21 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1790-1.

4. «Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини қайтариш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 10 июндаги 57, 2013-31-сонли қарори.

2013 йил 21 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1807-2.

5. «Умумий фойдаланиш телекоммуникация тармоқлари операторларининг ўзаро ташкилий-техникавий ҳамкорлиги тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2013 йил 13 июндаги 29-мх-сонли қарори.

2013 йил 21 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 378-1.

6. «Алоқа соҳасида ахборот-маълумот хизматларини кўрсатиш тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш

ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2013 йил 13 июндаги 31-мх-сонли қарори.*

2013 йил 21 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1412-1.

7. «Ўзстандарт» агентлигида стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар тоифаларини тайёрлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2013 йил 4 июндаги 240-сонли буйруғи.*

2013 йил 24 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1422-1.

8. «Микрокредит ташкилотларида аудит текширувларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 8 июндаги 12/8-сонли қарори.*

2013 йил 24 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2379-1.

9. «Олий таълим муассасаларидаги таълим дастурлари фанлари бўйича ўқитиш сифатининг ҳар йилги мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2013 йил 3 июндаги 27, 18-сонли қарори.*

2013 йил 25 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2470.

10. «Ўрмон ҳўжалиги ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2013 йил 12 июндаги 44-Б-сонли буйруғи.*

2013 йил 25 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2471.

11. «Ҳайдовчи ва ҳайдовчиликка номзодларни транспорт воситаларини бошқаришга яроқлилигини текшириш учун тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг 2013 йил 11 июндаги 16, 14-сонли қарори.*

2013 йил 27 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2472.

12. «Ташкил этилган иш ўринларини ҳисобга олиш ва мониторингини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитасининг 2013 йил 6 майдаги 28-қ, 31, 4қ-2013-сонли қарори.*

2013 йил 27 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2473.

13. «Янгидан ташкил этилган иш ўринлари бўйича тезкор маълумотлар ва давлат статистика ҳисоботларининг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш ҳамда уларнинг ҳаққонийлигини танлов асосида ўрганиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат статистика қўмитасининг 2013 йил 1 майдаги 26, 3қ-2013-сонли қарори.*

2013 йил 27 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2474.

14. «Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан радиоалоқани ташкил этиш учун рухсат этувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2013 йил 7 июндаги 26-мх-сонли қарори.*

2013 йил 27 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1388-2.

15. «Товарлар Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига амалда олиб келиниши пайтигача божхона органларига дастлабки божхона декларациясини тақдим этиш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 22 июндаги 01-02/12-11-сонли қарори.*

2013 йил 27 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2418-1.

16. «Энергетик корхоналар учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2013 йил 24 июндаги 6, 17-сонли қарори.*

2013 йил 28 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1341-2.

17. «Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ўтказилган солиқ текширувларида назорат харидини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 27 майдаги 2013-26-сонли қарори.*

2013 йил 28 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2475.

18. «Ўзбекистон Республикаси ИИБ Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати техника назорати бўйича йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2013 йил 26 июндаги 79-сонли буйруғи.*

2013 йил 28 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1252-1.

II. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛИШИ ЛОЗИМ ЭМАС:

1. «Суюлтирилган углеводородли газ тўлдириш станцияларидан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқ. *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.*

2. «Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаро авиациясида радиотелефон алоқаси» авиация қоидаларини (ЎзР АҚ-96)

тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқ. *Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.*

3. «Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаро авиациясида авиация ёқилғи-мойлаш материаллари ва махсус суюқликлар билан таъминлаш технологияси» авиация қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқ. *Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.*

Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжатлар техник ҳужжат деб топилди.

Мазкур ҳужжатлар белгиланган тартибда кўрсатилган идоралар томонидан тасдиқлангандан сўнг, кучга киритилиши мумкин.

Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган ҳужжатларда қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.

«Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида»ги қонуннинг лойиҳаси устида олиб борилаётган ишлар, унинг концептуал асослари ҳақида Савдо-саноат палатаси ва БМТ Тараққиёт дастурининг «Ўзбекистон бизнес форуми (2-босқич)» қўшма лойиҳаси раҳбари Нарзулло ОБЛАМУРДОВ мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди.

– Ташқи иқтисодий фаолиятда Ўзбекистондан тобора ороқ тадбиркорлар иштирок этмоқда. Шундай экан, халқаро арбитраж муҳокамасига жалб этилганлар сони ҳам ортиб бораётганлиги табиийдир. Мамлакатимизда арбитраж суди ва шунга тегишли қонун ҳужжатлари йўқлиги боис низолар бошқа давлатларда кўрилмоқда. Бу эса мамлакатимиз ТИФ иштирокчилари учун анчагина муаммо, энг аввало суд тайинланган мамлакатга бориш-келиш харажатлари, адвокатлар, таржимонлар хизматига ҳақ тўлаш ва бошқа турдаги чиқимлар билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқармоқда. Молиявий сарф-харажатларнинг номутаносиблиги сабабли кўпчилик арбитраж муҳокамасида бевосита иштирок эта олмайди ва айтиш шунга вақдан кўпинча низода ютқазмоқда ҳам.

Бундан ташқари, тижорат низоларини тартибга солишнинг судга қадар муқобил механизмлари борлиги чет эл инвесторлари бозорларга берадиган баҳога таъсир этади. Узоқ муддатли ва кўламдор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёнида юзага келиши эҳтимоли бўлган низоларни ҳал этишнинг ҳуқуқий тартиботидаги очик-ошкоралик мамлакат рейтингини оширади.

Ана шу ва бошқа омиллар мамлакатимизда халқаро тижорат арбитражи тизимини барпо этиш масаласи долзарблигини белгилайди ҳамда тегишли қонун лойиҳаси концепциясини ҳамда арбитраж фаолиятининг ташкилий жиҳатларини кенг муҳокама этиш зарурлигини рўй-рост кўрсатади.

– Нарзулло Наимович, аввало мазкур соҳадаги миллий қонун ҳужжатларини ривожлантиришнинг асосий тамойиллари қандай эканлигини айтиб берсангиз.

– Ўзбекистон Давлатлар ва ажнабий шахслар ўртасидаги инвестицияларга оид низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисидаги конвенция¹, Хорижий арбитраж қарорларини эътироф этиш ва ижросини таъминлаш тўғрисидаги Нью-Йорк конвенцияси² иштирокчисидир.

Низоларни ҳал этишнинг муқобил усулларини амалиётга жорий этишда 2006 йили «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни³ қабул қилинганлиги салмоқли одим бўлди. Мазкур Қонун кучга киритилганидан буён хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида тузиладиган шартномаларда ҳакамлик судлари кўрсатиб ўтилган шартномалар сони анчагина кўпайди. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда Ҳакамлик судлари ассоциацияси ҳузурида 140 та ва Савдо-саноат пала-

таси ҳузурида 15 та ҳакамлик суди ишлаб турибди.

«Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Қонун фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, шу жумладан тадбиркорлик

арбитраж жараёнининг барча босқичини, бинобарин тарафлар арбитраж келишувини тузишдан тортиб арбитраж қарорини тан олиш ва ижрога қаратишгача бўлган шартшароит ва тартибот билан боғлиқ босқичларни расамадга солади. Мамлакатимиз тадбиркорлик субъектлари учун бу қонун лойиҳасининг аҳамияти катта. Зотан диёримизда халқаро низоларни ҳал этиш учун ҳуқуқий базанинг бўлиши уларни чет эллардаги арбитраж

ХАЛҚАРО ТИЖОРАТ АРБИТРАЖИ ҲАМ ҚАТОРДА БЎЛСА

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида иқтисодиётни бошқариш тизимини такомиллаштириш ва либераллаштиришга бўлган эҳтиёж таъкидлаб ўтилган. Шу маънода «Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида»ги қонун қабул қилиш зарурияти ҳам тилга олинган. Мазкур институтни мамлакатимизда барпо этиш ва фаолиятини йўлга қўйишнинг ҳуқуқий тартиб-таомилга солиниши ҳақидаги долзарб масалалар Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, ТИАИСВ, Адлия вазирлиги ва БМТ Тараққиёт дастурининг ваколатхонаси ҳамкорликда ўтказган илмий-амалий семинарда муҳокама этилди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутатлари, Конституциявий суд, Олий суд ва Олий хўжалик суди, Адлия, Иқтисодиёт, Молия вазирликлари ҳамда бошқа манфаатдор идоралар, мамлакатимизда фаолият олиб бораётган ҳакамлик судлари вакиллари, олий ўқув юртлари ҳамда илмий-тадқиқот институтларининг олимлари ва мутахассислари, шунингдек халқаро экспертлар иштирок этдилар.

субъектлари ўртасида юзага келувчи хўжалик низоларини Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари асосида ҳал этишга қаратилган. Қонун тарафлардан бири республика норезиденти – чет эл корхонаси ёки инвестори бўлган низоларни ҳал этиш имкониятини назарда тутмайди. Бундан ташқари, иш кўришга юрист-норезидентлар ҳакамлик судьялари сифатида жалб этилиши мумкин эмас. Шундай қилиб, мазкур Қонун халқаро савдо-иқтисод ёки инвестиция йўналишидаги муносабатларга жалб этилган тадбиркорлик субъектларининг эҳтиёжларини қаноатлантира олмайди.

Шу сабабли ҳам Ўзбекистонда халқаро арбитражнинг барпо этилиши ва зарур норматив-ҳуқуқий базанинг яратилиши ишнинг мантиқий давоми бўлиб қолмоқда. Мамлакат Президентининг 14.01.2011 йилдаги Ф-3557-сон Фармойиши билан тасдиқланган Демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш соҳасида ишлаб чиқишнинг лозим бўлган янги қонунларнинг лойиҳалари, амалдаги қонунларга киритиладиган ўзгартишлар ва қўшимчаларнинг лойиҳалари рўйхатининг 11-бандида «Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида»ги қонуннинг лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилган. Бу ишни Савдо-саноат палатаси ТИАИСВ ва Адлия вазирлиги билан биргаликда, БМТ Тараққиёт дастури кўмагида амалга оширмоқда.

– Қонун лойиҳасининг мақсади нима ва асосий қоидалари қандай?

– Концепцияга кўра қонун

раж тартиб-таомилларида иштирок этиш билан боғлиқ чиқимлардан халос этади.

Назаримда, халқаро арбитраж суди ваколат доирасини белгилаб қўйиш қонун лойиҳасининг муҳим масаласи дейиш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, унинг ваколат доирасидан четга чиқадиган ҳар қандай низо Ўзбекистондаги халқаро тижорат арбитражи тартибга солиб турадиган нормаларнинг таъсир доирасидан четлашиб қолади. Бундай низо-ни кўриб чиқишда бошқа норматив ҳужжатлар, айтилиқ, ҳакамлик судлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қўлланмоғи керак.

Қонун лойиҳасига қараганда, шартномавий ёки бошқа фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан иқтисодий соҳада келиб чиқувчи низолар қуйидаги ҳолларда халқаро арбитраж тартибиде ҳал этилади. Биринчидан, агар арбитраж келишуви тарафларининг тижорат корхоналари шартнома тузилган пайтда турли давлатларда жойлашган бўлса. Иккинчидан, арбитраж жойлашган жой, шартнома ижро этилаётган жой ёки низо предмети жойлашган жой тарафларнинг тижорат корхоналари бўлган давлат сарҳадларидан ташқарида жойлашган бўлса. Учинчидан, тарафлар арбитраж келишуви предмети биттадан ортиқ мамлакат билан боғлиқ эканлиги хусусида тўғридан-тўғри келишиб олган бўлсалар.

Арбитрларни тайинлаш масаласига келганда, айтиш жоизки, қонун лойиҳасида «агар тарафлар бошқача тартиб ҳақида шартлашиб олманган бўлсалар, биронта ҳам шахс муайян давлат фуқаролигига мансублиги нуқтаи назаридан арбитр сифатида қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас» деб тўғридан-тўғри кўрсатиб ўтилган.

ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА – ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ

Қонуннинг лойиҳасида арбитраж келишувининг классик таърифи ва шакли, яъни унинг оддий ёзма шаклда ёки электрон ифодада бўлиши назарда тутилган.

– Савдо-иқтисодий арбитраж тизимини ривожлантиришнинг ҳозирги мавжуд халқаро моделлари орасида, сизнинг фикрингизча, қайсиниси маъқулроқ?

халқаро арбитраж судларида ҳал этиш механизми назарда тутилган.

Ўзбекистон хўжалик судлари томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорлари чет элларда чекланган доирада амал қилмоқда, холос. Агар суд чет эл компанияси фойдасига қарор қабул қилган бўлса, унинг мамлакатимиз ҳудудидаги ижроси миллий қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади ва қийинчилик келтириб чиқармайди. Бордию, чет эл компанияси кўрилган ишда ютқазадиган бўлса, ҳал қилув қарорини хорижий давлат ҳудудида мажбурий тартибда ижро эттириш зарурати юзага келади, бироқ кўп тарафлама қатъий (императив) халқаро шартномалар йўқлиги сабабли у кўпинча амалга ошмай қолаверади.

Халқаро амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг аксарияти тузган шартномаларини шартнома тузилаётган ёки шартнома ижро этиладиган мамлакатларнинг давлат судлари тасарруфида бўлишидан қочиришга ҳаракат қиладилар. Бунга қатор ҳолатлар, шу жумладан давлат судларининг тартиб-таомил қоидалари, қолаверса, чет эл давлати ҳуқуқларини шартнома моҳиятига татбиқ этиш имконияти йўқлиги (оқибатда унинг ижроси билан боғлиқ низолар келиб чиқиши) сабаб бўлади.

Шу боис низолашувчи тарафларнинг ўзаро розилиги билан белгилаб олинган, давлатга боғлиқ бўлмаган учинчи тарафнинг иштироки; тарафларнинг келишуви билан ҳар қандай арбитражга мурожаат этиш мумкинлиги ва бунда арбитраж таркибини низо бевосита иштирокчиларининг ўзлари шакллантириши мумкинлиги; низо-ларни кўриб чиқиш тезкорлиги ва арбитражлик қарорларининг узил-кесиллиги халқаро тижорат арбитражнинг афзалликлари сирасига қиради.

– Нарзулло Наимович, мазмундор суҳбатингиз учун ташаккур.

– Бу мавзуга эътибор қаратганларингиз учун сизларга ҳам раҳмат. Пировардида мазкур қонуннинг қабул қилиниши давлатимиз манфаатлари ва мамлакатимиз тадбиркорлик субъектларининг манфаатлари янада тўлиқроқ ҳимоя этилишини таъминлашдан иборат эканлигини, мазкур қонун чет эл инвестицияларини жалб этиш учун рағбатлантирувчи омил бўлиб қолишини алоҳида қайд этган бўлар эдим.

Яна бир гап. Мамлакатимизда халқаро тижорат арбитраж судларининг ташкил топиши халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасида мутахассислар кўпайишига хизмат қиладди. Халқаро амалиёт кўрсатишича, ҳамонки, арбитрлар, қоида тариқасида, халқаро оммавий ва хусусий ҳуқуқ соҳасидаги билимдон мутахассислар орасидан тайинланар экан, шундай бўлиши табиий.

**Махсус мухбиримиз
Гулнора АБДУНАЗАРОВА
суҳбатлашди.**

¹Вашингтон, 18.03.1965 йил, Олий Кенгашнинг 6.05.1994 йилдаги 1077-ХП-сон қарори билан ратификация қилинган.

²Нью-Йорк, 10.06.1958 йил. Ўзбекистон Республикаси учун 1996 йил 7 февралдан эътиборан кучга кирган.

³16.10.2006 йилдаги ЎРҚ-64-сон Қонун.

⁴Нью-Йорк, 21.06.1985 йил.

Ёз чилласининг ўрталарида кечаси шаҳар милиция бўлимига кўнғироқ бўлди. Навбатчи телефон трубкасини олгач, аёл кишининг ҳис-ҳаяжонга тўла, аммо бўғикроқ овози эшитилди: «Привокзальная кўчаси, 9-уй. Тезроқ келинглр. Гиёҳвандлик, қотиллик... кўрқиб кетяпман». Навбатчи ундан ўзини таништиришни, исми-шарифини айтишни сўради. Ҳалиги аёл «Марина... Ана улар келиб қолишди, ўлдим энди...» дейишга улгурди. Телефон трубкасида қисқа-қисқа гудоклар эшитилди.

Навбатчининг бу кўнғироқни кимнингдир аҳмоқона ҳазили деб ҳисоблаш керакми ёки хабарга ишониб айтилган манзилга ходим юбориш керакми дея бироз боши қотди. Аёл кишининг сўзларини, овозидаги ҳис-ҳаяжонни бирма-бир эслатгач, текшириб кўриш учун одам жўнатди.

Милициянинг УАЗ машинасида икки навбатчи милиционер айрилган манзил бўйича йўл олди. Мўлжалдаги кўчага яқинлашганларида уларни иккита ўт ўчириш машинаси қувиб ўтди. Милиционерлардан бири: «Наҳотки улар ҳам биз бораётган жойга йўл олишган бўлса?» — деб кўйди ўзича.

У ҳақ бўлиб чиқди. Привокзальная кўчасидаги бир қаватли 9-уй милиционерлар етиб боришганида аланга ичида қолган эди. Ўт ўчирувчилар узун шлангларни тортиб, оловни ўчириш ҳаракатига тушишган, аммо деворлари ёғочдан тикланган эски уй жазирама ёз ойининг тунида гугуртдек ёнарди. Чор атроф кўшни уйларда яшайдиган, чала-чулпа кийинган одамлар билан тўла. Улар ўт ўчирувчиларнинг ҳаракатларини ташвиш билан кузатишар, аланга турар жойларига ўтиб кетишидан хавотирда эдилар.

Ўт ўчирувчилар ёнғинни жиповлай билдилар. Биттагина уй — тўққизинчи уй ёниб қол бўлди. Милиция ходимлари рация орқали туман бўлимига содир бўлган воқеа ҳақида хабар қилиб, навбатчи гуруҳ етиб келгунча ёнғин бўлган уйда кимлар яшаганлигини, кўни-кўшнлардан кимлар ёнғин

бошланганлигини кўрганлигини аниқлашга тушдилар. Ёнғин туфайли тўдалашиб олган одамлар орасида уч хонали 9-уй соҳибларидан ҳеч ким йўқ эди. Унда кекса бир кампир яшар, хоналаридан бирига ижарачи кўяр экан. Кўни-кўшнлар кейинги пайтларда униқда бири лўлига ўхшаш қорасоч, иккинчиси оч сариқдан келган икки йигит яшаб турганлигини айтишди. Уларнинг нима билан шуғулланишини ҳеч ким билмасди. Лекин йигитларнинг ҳузурига бот-бот эркаклар ҳам, қизлар ҳам келиб туришар экан. Кўни-кўшнларга ортиқча нотинчлик туғдиришмас, шовқин-сурон солишмас, ҳатто мусиқа овозини ҳам баландлатишмас эди. Ёнғин қачон бошланган

уваланиб тушади, чор атрофни қурум, қул босган. Шундай бўлса-да, ёнғин бошланган жойни ва сабабини аниқлаш зарур. Шу сабабли уйнинг қолдиқларини кўздан кечириб анча-мунча тер тўкишга тўғри келди. Ёнғин ўчоғини аниқлашгунга қадар хоналардан бирида икки одамнинг ёнган жасади топилди. Бу қутилмаган ҳол эди. Негаки, ёнғин эҳтиётсизлик оқибати, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш натижаси бўлиши мумкин. Агар чиндан ҳам шундай бўлса, ёнғин-техника экспертизаси натижалари асосида терговни тезгина тугаллаш мумкин бўларди.

Куйган жасадлар қотилликни яшириш мақсадида қасддан ўт

кўйилган деган тусломни текшириб кўришга ундади. Аммо бундан олдин ҳалок бўлганларнинг шахсини ва уларнинг ўлими сабабини аниқлаш зарур эди. Балки бу одамлар ухлаб ётганида тутундан бўғилиб аланга ичида қолиб кетгандир. Буни эса суд-тиббиёт экспертизаси исботлаб бериши лозим.

Кўздан кечириш асносида ўт ўчириш идорасидан келган инспектор ёнғин бўлган жойда унинг учта ўчоғини топди. Бу эса атайин ўт кўйилганлигидан нишонадир. Шу сабабли ёнғин-техника ва суд-кимё экспертизаси тайинланди. Ёнғин-техника экспертизаси ёнғин сабаби тўғрисида расмий хулоса бериши керак. Иккинчи экспертиза ихтиёрига эса буюмларнинг

ёнмай қолган қисми юборилди: уларда ёнувчан моддалар қолдиғи бор-йўқлигини аниқлаш керак эди. Суд-кимё экспертизаси шундай моддалар борлигини тасдиқлади, анави экспертиза эса атай ўт кўйилган деган қатъий хулоса чиқарди.

Бу пайтга келиб суд-тиббиёт экспертизаси жасадлар ларники эканлигини, уларнинг ўлимига ўқотар қуроллар билан ярадор қилинганлиги сабаб бўлганлигини аниқлади. Ёнғин авжига чиққан пайтда улар ўлик ҳолатда эди. Тиббиёт эксперти улардан бирининг ёшини 20-30, иккинчисиникини 55-65 да деб белгилади.

Шундан кейин терговчи ва тезкор ходимларнинг кўшқотиллик ҳолати юзасидан ниҳоятда сермашаққат иши бошланди. Оқибат-натижада ёши улўроқ аёл уй бекаси эканлиги, ёшроғи эса бошқа шаҳардан бувисиникига меҳмон бўлиб келган неварга эканлиги аниқланди. Уларни ТТ тўппончасидан отиб ўлдиришган. Суд-тиббиёт экспертлари тўппонча ўқларини топишга муваффақ бўлдилар.

Гумон қилинаётганларнинг (икки ижарачининг) шахсини узоқ вақтгача аниқлашнинг иложи бўлмади. Орадан икки ойча ўтгач, шаҳарнинг чеккароғидан «Жигули» машинаси топилди, ичида қорачадан келган ва оқ сариқ иккита эркакнинг отиб кетилган жасади ётарди.

Оқ сариқдан келган йигитнинг чўнтагида ТТ тўппончаси бор экан. Кейинчалик суд-баллистик экспертиза аёлларнинг жасадидан топилган ўқлар айна шу тўппончадан отилганлигини аниқлаб берди. Эркакларнинг шахси аниқлангач (иккаласи ҳам илгари гиёҳвандлик моддаларини тарқатганлик учун судланган бўлиб, жазони ўташ жойидан қайтгач, жиноий қилмишларини давом эттираверганлар), терговчи жиноятчилар ўлганлиги муносабати билан ёнғин тўғрисидаги ишни тугатди.

Ольга МАРШАНСКАЯ,
Адлия вазирлиги
ҳузуридаги Республика суд
экспертизаси марказининг
давлат суд эксперти.


ЭКСПЕРТИЗАНИНГ КЎРСАТИШИЧА...

Детектив фильмлар ва шу йўналишдаги китобларда бу гапни кўп эшитгансиз. Зотан ҳаётда ҳам экспертиза бағоят чигал ҳодисалар ечим топишга ёрдам беради. Бу хусусда илгари ҳам газетхонларга бир неча бор ҳаётий ҳикояларни айтиб берган эдим. Мана ҳозир ҳам анча йиллар олдин бўлган бир воқеа ёдга тушди...

лигини ҳеч ким кўрмабди, ўша кеча кимлар уйда бўлганлигини ҳам ҳеч ким билмасди.

Орадан маълум вақт ўтгач, навбатчи гуруҳ етиб келди. Терговчи ва тезкор ходим милиционерларнинг ахборотини тинглаб, кўни-кўшнларни расмий равишда сўроққа тутдилар. Содир бўлган воқеа ҳақида ҳужжат тайёрлаб, гувоҳларнинг маълумотларини қайд этдилар. Кўздан кечириш баённомасини ҳозирча тузишнинг иложи бўлмади — ёнғин охиригача ўчиб улгурмаган эди. Шу сабабли ҳам милиция терговчиси ва ёнғин муҳофазаси инспектори кундуз кун келиб чор атрофни синчковлик билан кўздан кечирдилар.

Ёнғин бўлган жойни кўздан кечириш жуда машаққатли, қолаверса, ифлос иш. Ҳамма ёқда куйган нарсалар, оёқ кўйишингиз билан пол тахта



В.Муромцев расми.

РЕКЛАМА

“AMIR-AUDIT” МЧЖ
аудиторлик ташкилоти
28.03.2008 йилдаги 00642-сон лицензия.
ЎЗР АВНИНГ 12.01.2005 йилдаги 991-сон гувоҳномаси.

Ўзбекистон Республикасидаги барча ҳўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари ўткази

Малака сертификатли аудиторларни ишга қабул қиламиз

Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш
Тел.: (+99890) 187-04-68, (+99894) 644-62-23, 296-55-78; факс (8371) 296-52-15

ЭЪЛОНЛАР

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

«ASR ADVOKATI» адвокатлик бюроси куйидаги хизматларни кўрсатади: исталган мураккабликдаги ҳўжалик низолари, жиноий ишлар, дебиторлик қарзини ундириш*. Тел. (+998 90) 989-19-07.

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*. Тел. 346-16-89.

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*. Тел.: 281-52-39, 346-16-89.

АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари*. Тел. (+998 90) 370-63-06.

*Хизматлар лицензияланган. Товар сертификатланган.

ХИЗМАТЛАР

Лазерли принтерларни тўлдириш. Мақбул нархлар. Жойига чиқиш билан. Тел. 127-15-28.

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳўжатларни тайёрлаш. Ҳўлов исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАБСИСЧИ “Norma Hamkor” МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОЕВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100105, Тошкент ш.,
Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 283-44-27
Обуна бўлими тел. 200-00-30

E-mail: gazeta@norma.uz, normapress@mail.ru

www.norma.uz
Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуқтаи назарига мос келавермайдиган.
Тахририят муштариолар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.

«Норма маслаҳатчи»да эълон қилинган материалларни тулиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «Норма» газеталари бирлашган тахририяти» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета тахририят томонидан таъйинланган гуноҳозитивлар ёрдамида “TOPPRINT” МЧЖ
босмаҳонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс – 186 Бўртма 1036 Агад 2165. Баҳоси кўлишилган нархда
Газета А3 ҳажмда, 4 шартли босма табақда чоп этилди.

Газета 2013 йил 1 июлда соат 16.50 да топширилди.

ISSN 2010-5223